



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

# uzbek tili va adabiyoti

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

*Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган*

*Бир йилда олти марта чиқади*

5  
2020

*Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти*

*Тошкент - 2020*

*Бош муҳаррир:*  
Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*  
Абдусалом АБДУҚОДИРОВ  
Раҳматулла БАРАКАЕВ  
Маматкул ЖЎРАЕВ (бош муҳаррир  
ўринбосари)  
Наим КАРИМОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ (бош  
муҳаррир ўринбосари)  
Тўра МИРЗАЕВ  
Баҳтиёр НАЗАРОВ (бош муҳаррир  
ўринбосари)  
Ёрқинжон ОДИЛОВ  
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб)  
Шомирза ТУРДИМОВ  
Боқижон ТЎХЛИЕВ  
Алмаз УЛВИЙ  
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Қурдош ҚАҲРАМОНОВ  
Улуғбек ҲАМДАМОВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

## CONTENT

### Linguistics

- D.Khudayberganova. Priorities of Uzbek linguocultural studies.....3  
Z.Khomanova, D.Nasrieva. Linguistic maps and their role in the development of the national language.....9

### Literature studies

- N.Ochilov. Epic traditions in the dastan studies of Southern Uzbekistan.....15  
N.Yuldashev. Chulpan's poetics written in the aruz weight.....22  
H.Abdullaev, B.Rahimova. Methodological originality in scientific-aesthetic interpretation.....31  
A.Abdukadirov. Interpretation of reading book in the works of Navoi and Jami.....35

### Scientific and literary communication

- Yu.Eshmatova, H.Dustmuhammad. Literary interpretations of national traditions.....41

### Scientific information

- B.Rajabova. Abdurahman Jami and literary environment in Herat.....46  
D.Gaipov. Arif image in Agakhi poetics.....52  
Sh.Turgunov. The phenomenon of postfolk in children's folklore.....54  
D.Zokhidova. The Jami description in the kasida "Tuhfat ul-afkor".....61  
A.Eshanbabaev. A study of Babur's work during the years of independence.....65  
H.Juraeva. Three great characters.....70  
A.Eshniyazova. Typological analysis and interpretation.....73  
E.Hazratkulova. Critical features of literary and historical works.....78  
Z.Kodirova. Regarding to Rashididin Vatvot and his work "Hadoyik us-sehr".....82  
I.Madiyarov. Concerning the term fast-say in Turkic peoples.....86  
M.Juraev. *Iyham* art in *yoriy* poetics.....91  
J.Eshonkulov. Muhammad Siddik Hayrat and his Diwan.....94  
R.Shukurov. Principles of compiling a dictionary of a series of consonant words.....96  
U.Yigitaliev. The deictic expression of the concept of "person" in the communicative construction of speech.....99  
U.Islamov. Scientific and organizational approach to the field of speech culture.....103  
N.Yarashova. The use of phonographic methods in children's speech in the literary text.....107  
M.Shamsiev. Bilingualism is the essence of bilingualism.....111  
T.Allayarov. Expression of the meanings of "obligation" and "freedom" in imperative constructions.....115  
D.Muhammadieva. Features of some phrases in "Babur-name".....120  
A.Ahmedova. Folklorisms in Chulpan's works.....122  
Z.Mukimova. Linguopoetic and lingvocultural features of proverbs.....126

### Discussion

- H.Karimov. Popularity or amenity?.....131

### Doer of science

- B.Rahmonov, Z.Mamajonov. Dilmurod Kuranov.....134  
H.Homidiy. Heirs of two cultures.....136

### Scientific life

- Tura Mirzaev.....139

предложение, вопросительное предложение, концепт, слово, единица, импликация, модальные значения,

**Key words and word expressions:** interrogative construction, interrogative state, literary text, interrogation, imperative sentence, interrogative sentence, concept, word, unit, implication, modal meanings

Дилафрўз МУҲАММАДИЕВА  
“БОБУРНОМА”ДАГИ БАЪЗИ  
ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фразеологизм икки ва ундан ортиқ сўзларнинг барқарор боғланишидан ҳосил бўлган иккиламчи номинация саналади. Фраземалар лексикадан юқори, гапдан қуйи сатҳда турадиган тил ҳодисаси сифатида ҳам эътироф этилади<sup>208</sup>. Фразеологик маъно фразеологизм таркибидаги сўзларнинг лексик маънолари йиғиндисидан келиб чиқмайди, у умумий яхлитлик хусусиятига эга. Фразеологик маъно билан лексик маъно ўртасида умумийлик бўлиши билан бирга, бир қатор ўзига хос белгилар мавжуд. Умумий белгилар бу икки ҳодиса ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни кўрсатиб турса, ўзига хос белгилар фарқловчи (дифференциал) белги сифатида уларнинг тил системасида яшовчи алоҳида ҳодисалар эканлигини кўрсатади.

Фраземалар тил бирлиги сифатида тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Тилнинг барча қатламларида, тарихий тараққиёт босқичларида фаол қўлланиб келмоқда. Фраземаларнинг лингвистик тараққиёт босқичларига хос хусусиятлари тарихий, бадий ва адабий манбалар тилини тадқиқ этиш орқали аниқланади.

“Бобурнома”да қўлланилган фраземаларни семантик жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. “Харакат-ҳолат” семали фраземалар: *гуноҳини бағишлаб – кечирмоқ* (*Хожа Калоннинг шафоати била гуноҳларини бағишлаб, аҳл ва аёлларини аларга қайтиб руҳсат берилди.162-б.*)<sup>209</sup>, *тилим тутулди – гапира олмаслик* (*Андоққим, тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимга пахта била сув томизурлар эди.63-б.*), *бошсизлик қилгон – бўйсунмаслик* (*Қорабулоққа тушганда баъзи кирган кенд-кесакка бошсизлик қилгон мўғулларни тутуб келтурдилар.56-б.*), каби. “Бобурнома”да учрайдиган ҳаракат-ҳолат семали фраземаларнинг аксариятида бошқарув усули етакчилик қилади. *Туфроққа топшурдук, қўзум уйқуга борибдур, бурунидин чиқди, урушга бел боғладилар, жонга еттуқ, юзуга солмадук, яхши маош қилмоқ, шунқор бўлди* иборалари бунга мисолдир. Бу фраземаларнинг аксариятида тана аъзолари асосида маъно кўчган (кўз, бурун, бел жон каби).

<sup>208</sup> Жуманазарова Г. Ақл узвли иборалар \ \ Ўзбек тили ва адабиёти, 2сон, 72-бет.

<sup>209</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олиниб, саҳифаси кўсатилади.

2. “Нарса-ҳодиса” семали фраземалар: **жон ваҳми – ўлимдан кўрқиш** (*Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш. 99-б.*) **зери дасти – қўли остида** (*Самарқанд подшоҳи анинг зери дасти эди. 195-б.*), **Беш кун ўтар дунё-ўткинчи дунё** (*Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстургон валинеъматзодасини кўр қилди. 49-б.*), **Мулкгирлик дағдағаси – ерларини кенгайтириш хоҳиши** (*Ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эди. 36-б.*) **Беш кунлик ўтар дунё** фраземаси икки фраземанинг қўшилишидан ҳосил бўлган, **Беш кунлик дунё-ўтар дунё**. Бу икки фразема бирикиб, маънонинг кучайишига хизмат қилган

3. “Белги” семали фраземалар: **сўзига ўз – сўзининг устидан чиқадиған** (*Сайди Қаро агарчи сўзига ўз эди, қиличига сустроқ эди. 82-б.*), **тили қисик – тазийқ ўтказолмаслик** (*Хейли тили қисик йўқ эди. 186-б.*), **риоят қобили-эътиборга арзирли** (*Мунча риоят қобили эмас эди. 135-б.*) каби.

4. Ўрин ва ҳолат семали фраземалар: **кўз етар ерда – яқин** (*Кун туш бор эдиким, кўз етар ерда бир отнинг устида бир нима илтираб кўринадур 99-б.*), **бепой бўлуб – безовталанмоқ** (*Шоҳ Искандар Балхнинг кирганидан бепой бўлиб, Ғурий қалъасини ўзбакка берур 219-б.*), **даст-поча бўлуб – кўрқиб** (*Даст-поча бўлуб, захрнинг улуг ярмини ўчоққа ташлар 27-б.*)

Бўлишли-бўлишсизлик категорияси феъл сўз туркумига хос асосий ва доимий хусусиятлардин бири ҳисобланади. Феъл сўзлардан фарқли равишда фраземаларнинг барчаси ҳам ҳар икки аспектда барабар қўллана олмайди. Бундай ибораларни Ш. Раҳматуллаев 3 гуруҳга бўлиб таснифлайди: 1. Ҳар икки аспектда кела олувчи иборалар. 2. Фақат бўлишли аспектда кела олувчи иборалар. 3. Фақат бўлишсизаспектда кеувчи иборалар<sup>210</sup>.

“Бобурнома”даги фраземаларни юқоридаги таснифга кўра куйидагича таҳлил қилиш мумкин:

1. Ҳам бўлишли, ҳам бўлишсиз аспектда келувчи иборалар: **сўзларини қулоққа олмоқ – ишонмоқ** (*Ушмундоқ маҳалда мухалифларнинг фирибомуз сўзларини қулоққа олиб, .....элчиликка юбордилар. 64-б.*); **юзларига келтурмай – таъна қилмай** (*Султон Ҳусайн Мирзо борига эҳсон мақомида бўлуб, ёмонлиқларини юзларига келтурмай, инъомлар ҳам қилди. 123-б.*) каби.

2. Фақат бўлишли аспектда келувчи иборалар: **беҳузур бўлди – ўзини ёмон ҳис қилмоқ** (*Менинг онам хоним беҳузур бўлдилар, хейли ёмон беҳузурлуқ эди. 86-б.*), **шунқор бўлди – вафот этди** (*Умаршайх Мирзо дардин кабутар ва кабутархонаси била учуб, шунқор бўлди. 37-б.*), **жонга еттук – сабри тугамоқ** (*..биз ҳам анинг ахлоқ ва афъолидин жонга еттук, рухсат бердук. 125-б.*) каби.

3. Фақат бўлишсиз шаклда келувчи иборалар: **кўзга илмас эди – писанд қилмаслик** (*Агарчи Дарвеш Муҳаммад тархон тўра ва муча била мундин улуг эди, вале бу фиръавн ани кўзга илмас эди 45-б.*), **писанд**

<sup>210</sup> Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси \ \ Ўзбек тили ва адабиёти, 1963, 4-сон, 32-бет.

*тутмас эди – писанд қилмаслик (Ўзидин ўзга ҳеч кишини ҳеч ишта писанд тутмас эди. 50-б.)* каби.

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома»да қўлланилган ибораларни структур тадқиқ этиш тарихий фраземаларнинг бугунги кундаги эволюциясини аниқлаш ва ўзига хосликларни белгилашга ёрдам беради. Таҳлиллардан кўриниб турганидек, «Бобурнома»даги феъл-атвор ва ҳолат билдирувчи иборалар шахс руҳиятини очиб беришда муҳим роль ўйнайди. Улар орасидаги шаклан ёки мазмунан ўзгарган иборалар тилимизнинг қанчалик тараққиётга учраганлигини кўрсатади. Бу эса тил тарихи, тилшунослик назарияси, лексикология, лексикография ва фразеология соҳалари учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши мумкин.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада «Бобурнома» матнида учрайдиган иборалар тадқиқот объекти сифатида танланиб, уларнинг тарихий ва бугунги кундаги маънолари ўртасидаги мутаносиблик ва фаркли жиҳатлари таҳлилга тортилган.

**РЕЗЮМЕ.** Данная статья посвящена анализу соответствия и различий исторического и современного значений фразеологизмов в «Бабур-наме», являющихся объектом исследования.

**RESUME** This article is devoted to the problems of analysis of structures and semantics of phrases. There are selected phrases from the text of the «Babur-name» as an object of analysis, the similarities and differences between their historical and modern meanings are analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** «Бобурнома», семантика, парема, фразема, концепт, аслият.

**Ключевые слова и выражения:** «Бабур-наме», семантика, парема, фразема, концепт, оригинал.

**Key words and word expressions:** «Bobur-name», semantics, parema, phrase, concept, productivity.

Азиза АҲМЕДОВА

## ЧЎЛПОН АСАРЛАРИДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР

Бадиий асарларда қўлланилган халқ оғзаки ижоди унсурлари «фольклоризм»лар деб аталади ва бу ходисани Б.Саримсоқов шу тарзда изоҳлайди: «Бирор ижодкор асарига бирор мақсад билан киритилган фольклорга хос барча материални фольклор деб эмас, балки фольклоризм атамаси билан юритиш лозим, чунки унга ижодкор томонидан муайян бир «ишлов» берилган бўлади»<sup>211</sup>. Олим ўзбек адабиётида мавжуд фольклоризмларни структура ҳамда бадиий асар тўқимасида бажарган функцияси жиҳатидан икки типга ажратади: оддий фольклоризмлар ва мураккаб фольклоризмлар. Мураккаб фольклоризмларни: а) аналитик фольклоризм; б) синтезлашган фольклоризм; в) стилизация характеридаги фольклоризмлар кўринишида уч гуруҳга бўлади<sup>212</sup>. Биз ушбу мақолада Чўлпон асарларида қўлланган оддий фольклоризмлар ва уларнинг қўлланилиши ҳақида сўз юритамиз. Чунки адиб ўз асарларида мақолу маталлар, қайроқи иборалар, аллаю ёр-ёрлар, ривоят афсоналар, қарғишу олқишлар, халқона оҳанглардан фойдаланиб, асарларининг таъсирчанлигини, халқчиллигини оширган.

Б.Саримсоқов «халқ мақол ва маталлари, юмуқ иборалари, оғзаки нутқ учун хос ифода ҳамда оборотларнинг қўлланилишини оддий

<sup>211</sup> Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, 4-сон, 39-бет.

<sup>212</sup> Ўша мақола, 37-45-бет.